

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚИТУВЧИНИНГ МЕТОДИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ МОҲИЯТИ

Турдалиев Авазбек Турдалиевич

Фарғона давлат университети Биология фанлари доктори (DSc), доцент

Усмонова Муҳайёхон Собиржон қизи

Қўқон Давлат педагогика институти Педагогика фанлари фалса фадоктори (PhD), доцент

Матҳолиқов Рўзали Бахтиёр ўғли

Фарғона давлат университети ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7164839>

Аннотация. Мақолада ўқитувчининг методик, касбий компетентлигини муҳим таркибий қисмлари, методик компетентлик моҳиятини аниқлаш ва уни вазифалари (функциялари) орқали амалга ошириш, унинг касбий педагогик фаолияти имкониятидан самарали фойдаланиш йўллари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: методик компетентлик, метод, методнинг мослашувчанлиги, касбий нуқтаи назарлар, индивидуал психологик фазилатлар, акмеологикин вариантлар.

СУЩНОСТЬ МЕТОДИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ ПРЕПОДАВАТЕЛЯ В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ

Аннотация. В статье описаны важные составляющие методологической, профессиональной компетентности педагога, определение сущности методической компетентности и ее реализации и через ее задачи (функции), способы эффективного использования возможностей его профессиональной педагогической деятельности.

Ключевые слова: методологическая компетентность, метод, гибкость метода, профессиональные перспективы, индивидуально-психологические качества, акмеологические возможности.

THE ESSENCE OF THE TEACHER'S METHODOLOGICAL COMPETENCE IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM

Abstract. The article describes the important components of the methodological, professional competence of the teacher, the definition of the essence of methodological competence and its implementation through its tasks (functions), ways to effectively use the possibilities of his professional pedagogical activity.

Keywords: methodological competence, method, method flexibility, professional perspectives, individual psychological qualities, acmeological possibilities.

КИРИШ

Республикамизда “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрларни тайёрлаш”, иш берувчиларнинг талаб ва эҳтиёжларига мос мутахассисликлар бўйича педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда олий таълим тизимида педагогик фаолиятнинг сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда [1]. Бу борада ўқувчиларда таянч ва фанга доир компетенцияларни шакллантиришнинг биологик ва информацион таркибий асосларини аниқлаштириш, интегратив ёндашувга асосланган биология ҳамда тупроқшунослик фанларини ўқитишнинг «компьютерли таълим методи»ни таълим амалиётига жорий этиш механизмини такомиллаштириш, хусусий

компетенцияларни шакллантиришнинг методик тизимини ишлаб чиқиш таълим сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Бу борада кўпчилик тадқиқотчилар томонидан илмий натижалар олинган [2, 3, 4, 5, 6].

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Касбий компетентликни шакллантириш олий таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлашнинг асосий талабларидан бирига айланмоқда. Таълим тизими олдида шундай мутахассисларни тайёрлаш вазифаси қўйиладигани, бунда билим, кўникма ва малакалар касбий соҳада зарур бўлган маълум бир компетенцияга айланади.

Т.М.Ковалеванинг [2] фикрича, касбий соҳага оид таянч компетенцияларни ифодалаш учун маълум талаблар қўяди. Муҳим жиҳатлари шундаки, таянч компетенциялар касб оламининг калитидир, чунки фанга оид компетенциялар алоҳида ҳисобланади. Бундан ташқари, педагогика ОТМлари битирувчилари эга бўлиши керак бўлган сифатлар (фазилатлар) уларнинг ушбу касбий компетенцияларига мос келиши учун шакллантирилади. Кейин компетенция сўзи пайдо бўлади.

Мутахассиснинг касбий компетентлиги объектив зарур билим ва кўникмаларнинг умумий йиғиндиси каби кўрсаткичлар орқали намоён бўлади; ўз вазифаларини бажаришда уларни тўғри тасарруф этиш кўникмаси; муайян ҳаракатларнинг мумкин бўлган оқибатларини билиш; амалий тажриба; инсон меҳнатининг натижаси; методнинг мослашувчанлиги ва фикрлашнинг танқидийлиги; шунингдек, касбий нуқтаи назарлар, индивидуал психологик фазилатлар ва акмеологикин вариантлар.

Педагогика фанида «касбий компетенция» тушунчаси меҳнат самарадорлигини белгилайдиган билим ва кўникмаларнинг йиғиндиси сифатида кўриб чиқилади; вазифаларни бажариш кўникмаларининг ҳажми; шахсий фазилатлар ва хусусиятларнинг ўзаро уйғун бирикмаси (комбинацияси); билим ва касбий аҳамиятга эга шахсий фазилатлар мажмуи; касбийлаштириш вектори; назарий ва амалий меҳнатга тайёрликнинг бирлиги; мураккаб маданий ҳаракат турларини амалга ошириш қобилияти ва бошқалар.

Тадқиқот услублари. Тадқиқот жараёнида назарий: муаммоларни назарий тадқиқ этиш, психологик-педагогик, илмий-методик адабиётлар таҳлили, эмпирик: педагогик кузатиш, тажриба-синов ишлари, эксперт баҳолаш, талабаларни ўз-ўзини баҳолаш, умумлаштириш, ижтимоий методлар: анкета, савол-жавоб, суҳбат усулларидан фойдаланилди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Ҳозирги кунда педагогик психологияда Н.В.Кузмина ва унинг мактаби ва бошқалар ўқитувчи шахсининг субъектив хусусиятлари муаммоси, унинг касбий фаолияти самарадорлигини (маҳсулдорлигини) аниқлаш махсус назарий ва тажрибавий ўрганиш предметида айланди. Бу бизга касбий компетентли ўқитувчининг субъектив хусусиятлари таркибий тузилишининг умумий тақдим этишга имкон беради.

Н.В.Кузминанинг фикрига кўра субъектив омиллар таркибига қуйидагилар киради: 1) йўналганлик тури; 2) қобилият даражаси; 3) ўз ичига қуйидагиларни қамраб оладиган компетентлик: касбий ва педагогик компетенция, ижтимоий-психологик, методик, психологик, автопсихологик компетентлик [7].

Ушбу омил таркибий қисмининг учта асосий компоненти яққол кўриниб турибди: шахсий, индивидуал ва касбий билим, кўникмалар, шунингдек, касбий компетенция яъни, фан асосида ва ўз-ўзини ривожлантиришда режаси асосида аниқланади. Таклиф

этилатган компетенцияни табақалаштириш ва методик компетенция каби муҳим шаклни ажратиш, бу турли хил ўқитиш методларини эгаллаш, дидактик методларни, услубларни билиш ва уларни ўқув жараёнида қўллаш кўникмалари, ўқув таълим жараёнида билим ва кўникмаларни ўзлаштиришнинг психологик механизмларини билиш муҳимдир.

Бўлажак биология ўқитувчисининг педагогик малакаси унинг бирлиги сифатида тушунилади, педагогик фаолиятни амалга оширишга назарий ва амалий тайёргарлик зарур. Бу тушунча зарур билим ва малакаларга эгалик даражасини акс эттиради. Профессинал компетентсия бўлажак ўқитувчининг муваффақиятли фаолиятининг энг муҳим шартларидан биридир [8].

Замонавий педагогик адабиётларда бу тушунча турлича изоҳланади:

- педагогнинг ўқитишнинг турли методлари, дидактик методлар, услублар соҳасидаги билими, ўқув жараёнида уларни қўллаш малакаси, бу жараёнда билим ва кўникмаларни ўзлаштиришнинг психологик механизмларини билиши;

- ўқитувчи шахсининг интегротив, кўп босқичли, касбий аҳамиятли тавсифи, ўқитувчилик касбига, билим ва кўникмаларни эгаллашга ягона ёндашув ифодаси;

- ўқитувчининг ишбилармонлик, шахсий ва ахлоқий фазилатларининг ажралмас хусусияти, методик фаолиятнинг тизимли даражасини акс эттириши; методологик ва методик билим, кўникма, тажриба, мотивация, қобилият ва умуман методик ва педагогик фаолиятда ижодий ўзини яхлит намоён қилишга тайёрлик.

Ушбу масала бўйича тадқиқотларни таҳлил қилиш ўқитувчининг методик компетентлиги ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради:

ўқитувчининг педагогик компетентлигининг турларидан бири ҳисобланади;

ўқитувчининг методик фаолиятида касбий педагогик фаолият турларидан бири сифатида ўзини намоён қилади;

талабаларнинг ўқитиш ва тарбиялашни амалга ошириш учун унинг назарий ва амалий тайёргарлиги бирлигини билдиради;

умумпедагогик ва методик билим, кўникма, тажриба ва шахсий фазилатлар йиғиндисига асосланади.

Белгиланган ҳолатлар ўқитувчининг методик компетенциясини педагогик жараён субъекти меҳнатининг интегротив характеристикаси сифатида кўриб чиқишга асос бўлади; умумпедагогик ва методик билимлар, кўникмалар, тажриба ва шахсий фазилатлар, самарали методик фаолиятга тайёрлик ва қобилиятни акс эттиради ҳамда талабаларни ўқитиш ва ўқитиш соҳасида юқори кўрсаткичларга эришишни таъминлайди.

Компетентли педагогик таълим касбий ривожланиш траекториясига мувофиқ: таянч билимларни шакллантириш → ўқитиш назарияси ва методикаси, педагогика, психологиядан амалий машғулотларда фаолият усулларини қайта ишлаш → амалиёт ўташ (ўқитиш назарияси ва методикаси бўйича педагогик амалиёт ва ўқув амалиёти, курс иши ва битирув малакавий ишларни тайёрлаш) → инновацион ва ахборот компетенциялари базасида касбий ўз-ўзини ривожлантириш (педагогик амалиёт, илмий-тадқиқот ишлари давомида) амалга оширилади.

Касбий ривожланиш траекторияси билимдан кўникма ва малакага, сўнгра компетенцияларга ўтиш учун ҳаракатини шакллантиради. Методик тайёргарлик таянч билимларни шакллантиришдан бошланади (фанни ўқитиш жараёни, методлари, уни амалга ошириш шакллари ва воситалари) ва фаолиятнинг стандарт усуллари (технологик

ёки алгоритмик ҳаракатлар) шундан кейингина фаолиятнинг ушбу усуллари амалий машғулотларда қайта такомиллаштирилади.


МУҲОКАМА

Ўқитувчининг методик компетенциясини аффектив таркибий қисми асосини унинг касбий кадриятлар ташувчиси сифатидаги шахсий позицияси; когнитив таркибий қисм касбий билимларни эгаллаш (фанга оид, психологик, педагогик ва методик) эга бўлишини англатади; фаолиятли таркибий қисми бўлажак ўқитувчининг таълим жараёнида «субъект-субъект» муносабатларга тайёрлигини белгилайди.

Методик компетенция таркибига киритилган ушбу таркибий қисмнинг барчаси диалектик алоқада. Шу сабабли, бирон бир жиҳатни ҳисобга олмаган ҳолда, «методик компетенция» тушунчасининг мазмунини очиб бўлмайди.


Маълумки, шахснинг ҳар қандай сифати шаклланади ва фаолиятда ўзини намоён қилади. Ўқитувчининг методик компетентлиги унинг касбий педагогик фаолиятининг уч жиҳатида намоён бўлади – фанни ўқитиш, мавзу бўйича дарсдан ташқари ишларни ташкил этиш ва синфда дарс бериш.

Олиб борилган тадқиқотларимиздаги тажриба ва назорат гуруҳларида методик компетенциянинг таркибий қисмларини ривожланганлик кўрсаткичлари тажрибадан аввал ва тажрибадан кейинги натижаларини куйидаги расмдан кўришимиз мумкин (1-расм).



1-расм. Тажриба ва назорат гуруҳларида методик компетенциянинг мезонлари бўйича ривожланганлик кўрсаткичлари (тажрибадан аввал ва тажрибадан кейин)

Тажриба гуруҳида бўлажак ўқитувчиларнинг методик компетенциясини аффектив, когнитив, фаолиятли мезонлари асосида ривожланиш кўрсаткичлари таҳлилни диаграмма кўринишида ифодалаймиз (2-расм).



2-расм. Тажриба гурухида методик компетенциянинг аффектив, когнитив, фаолиятли мезонлари ривожланиш кўрсаткичлари таҳлили.

Бўлажак мутахассисларнинг касбий-педагогик фаолиятга тайёрлашга оид илмий асослаб берилган маълумотлар, касбий-педагогик фаолиятга тайёрлашнинг педагогик имкониятлари (методик, фактик, тушунчавий, эмпирик, назарий) рефлексив ёндашув воситасида дидактик функцияларини тизимлаштириш асосида кенгайтирилиб ўтилган. Касбий-педагогик фаолиятга тайёрлашнинг мезонлари ва даражаларини бўлажак ўқитувчиларнинг методик компетентлигининг шаклланганлик мезонлари (касбий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш, педагогик фаолиятга қадриятли-мотивацион муносабатни таркиб топтириш) таклиф этилган методлар, технологиялар ҳамда тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган дастур, модель ва тавсиялар мазмунини такомиллаштиришда фойдаланиши билан изоҳланади [9].

ХУЛОСА

Хулоса қилиш мумкинки, олинган натижалар келажакдаги ўқитувчиларнинг педагогик ОТМларда методик компетенциясини шакллантириш бўйича таклиф этилган жараённинг самарали эканлигини ва уни педагогика ОТМлари фаолиятида қўллаш учун тавсия этилишини кўрсатмоқда.

Ўқув амалиёти давомида бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг инновацион ёндашуви, биология, тупроқшунослик фанларини ўқитиш мазмунида талабаларни креатив фаолиятини ривожлантиришга асос бўлувчи ижодкорлик позициясига амал этиш кўникмалари таркиб топтириб борилиши мақсадга мувофиқдир.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. [www. lex. uz](http://www.lex.uz).
2. Ковалева Т.М. Ключевые компетенции и образовательные стандарты: Обсуждение доклада А.В.Хуторского на Отделении философии образования и теоретической педагогики РАО 23 апреля 2002 г. - Центр «Эйдос», www.eidos.ru/news/competdis.htm.
3. Турдалиев А.Т. Табиий фанларни ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланишнинг самарадорлиги // Жанубий Оролбуйи биологик хилма-хиллигини сақлаш, қайта тиклаш ва муҳофаза қилишнинг экологик масалалари мавзусидаги Халқаро илмий-назарий анжуман. Нукус, 2018. 46-47 б.
4. Турдалиев А.Т., И.Мусаев. Олий таълим тизимида ўқитишнинг ноанъанавий усулларидан фойдаланиш Биологиянинг долзарб муаммолари // Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Фарғона, 2018. 428-429 б.
5. Эшпўлатов Ш.Я., Турдалиев А.Т. Преподавание влияний гидротехнических сооружений на окружающую среду // Фарғона водийсида сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг геоэкологик жиҳатлари. Фарғона, 2013. 146-149 б.
6. Эшпўлатов Ш.Я., Турдалиев А.Т., Мирзаев Ф. Почвенно-археологический метод для определения возраста древних орошаемых палеопочв // Актуальные вопросы современной науки. – 2017. №2(14). – С. 63-67.
7. Кузьмина Н.В. Профессионализм личности преподавателя и мастера производственного обучения. – М.: Высшая школа, 1990. – 135 с.

8. Усмонова.М.С. Professional competency bulding future biology teacher. European journal of Research and Refection in Educational Sciences/ @:-№ 12.2019.Р.983-986
9. Усмонова.М.С. Бўлажак биология ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш. Монография. –Тошкент. “Фан зиёси” нашриёти, 2022.